

**ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМДА ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ
МУВОФИҚЛИГИ ҲАМДА УНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Шахноза Худайшукуровна Кобилова

Чирчиқ давлат педагогика университети

Педагогика факультети Махсус педагогика кафедраси ўқитувчиси

kabilovashaxnoza4@gmail.com**Аннотация**

Ушбу мақолада инклюзив таълимни ташкил этишнинг психологик имикониятлари, уни педагогик жараёни самарадорлигида тутган ўрни, хусусида сўз юритилиб, таълим стандарти, индивидуал таълим режасини муваффақиятли амалга оширишда амалий аҳамияти, психологик ёндашув таълим муҳитининг ривожланиш хусусиятини белгилайдиган етакчи омил эканлиги, таълим ва тарбиянинг психологик-педагогик шароитларини лойиҳалаш ва моделлаштириш, таълим жараёнининг барча иштирокчиларини ижтимоий-психологик фаоллигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш омиллари, психологик хавфсизлиги, психологик-педагогик шароитларини лойиҳалаш ва моделлаштириш, психологик саломатлигини мустаҳкамлаш, психологик зўравонлик, инсон руҳияти ресурсларини сафарбар қилиш, психофизик ривожланишнинг, коррекцион ривожланиш, ижтимоий-ўзаро ҳамкорлиги орқали инклюзив таълим жараёнини самарали психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш, ҳиссий ва шахсий ривожланишдаги камчиликларни тузатиш, муаммоларига рационал муносабатда бўлиш илмий жиҳатдан таҳлил этилган.

Калит сўзлар: ижтимоий психология, психологик таъсир, мотивация, маънавий ва руҳий рағбатлантириш, психологик мувофиқлашув, психологик ёндашув, психологик хавфсизлиги, психологик-педагогик лойиҳалаш ва моделлаштириш, психологик саломатлик, психологик зўравонлик, ривожланиш диагностикаси, маслаҳат, коррекция, психопрофилактика, ҳиссий ва шахсий тузатиш, рационал муносабат инклюзив.

Аннотация:

В данной статье раскрываются психологические возможности организации инклюзивного образования, его роль в эффективности педагогического процесса, особенности образовательного стандарта, его практическое значение в успешной реализации индивидуального образовательного плана, то, что психологический подход является ведущий фактор, определяющий характер развития образовательной среды, обсуждаются психологические аспекты воспитания и обучения, проектирование и моделирование педагогических условий, факторы усиления и развития социально-психологической активности всех участников образовательного процесса, психологическая безопасность, проектирование и моделирование психолого-педагогических условий, укрепление психологического здоровья, психологическое насилие, мобилизация психических ресурсов человека, психофизическое развитие, коррекционное развитие, социально-эффективное психолого-педагогическое сопровождение процесса инклюзивного образования на основе взаимного

сотрудничества, коррекция недостатки эмоционального и личностного развития, рациональное отношение к проблемам, научный аспект проанализировано.

Ключевые слова: социальная психология, психологическое воздействие, мотивация, духовно-духовная стимуляция, психологическая координация, психологический подход, психологическая безопасность, психолого-педагогическое проектирование и моделирование, психологическое здоровье, психологическое насилие, диагностика развития, консультирование, коррекция, психопрофилактика, эмоционально-личностная коррекция, рациональное отношение в том числе.

Annotation

In this article, the psychological possibilities of organizing inclusive education, its role in the effectiveness of the pedagogical process, especially the educational standard, its practical importance in the successful implementation of an individual education plan, the fact that the psychological approach is the leading factor that determines the nature of the development of the educational environment, the psychological aspects of education and training are discussed. design and modeling of pedagogical conditions, factors of strengthening and development of socio-psychological activity of all participants of the educational process, psychological safety, design and modeling of psychological and pedagogical conditions, strengthening of psychological health, psychological violence, mobilization of human mental resources, psychophysical development, correctional development, social - effective psychological-pedagogical support of the process of inclusive education through mutual cooperation, correction of deficiencies in emotional and personal development, rational attitude to problems, scientific aspect analyzed.

Key words: social psychology, psychological impact, motivation, spiritual and spiritual stimulation, psychological coordination, psychological approach, psychological safety, psychological-pedagogical design and modeling, psychological health, psychological violence, developmental diagnostics, counseling, correction, psychoprophylaxis, emotional and personal correction, rational attitude inclusive.

Инклюзив таълимда психологик-педагогик ёрдам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, таълим стандарти, индивидуал таълим режаси талабларига мувофиқ асосий ва умумий таълим дастурини муваффақиятли амалга оширишда амалий аҳамияти каттадир. Психолог, ўқитувчи-дефектолог, логопед ўзларининг тор касбий вазифаларини ҳал қилишдан ташқари, умумий таълим мактабида имконияти чекланган болалар (ўқувчилар)ни мослашиши, ўзлаштириши, ижтимоийлашиши, ҳамда мактаб муҳити билан интеграциясида профессионал фаоияти алоҳида ўрин тутади.

Е.В.Самсонова таъкидлаганидек, инклюзив таълимда психологик-педагогик ёрдам - барча мутахассислар таълим стандарти, индивидуал таълим режаси, талабларига мувофиқ асосий ва умумий таълим дастурининг бир қисми сифатида имконияти чекланган бола (ўқувчи)ни коррекция ишларини амалга ошириш билан боғлиқ [2].

Психологик нуқтаи назарда айтишимиз мумкинки, имконияти чекланган бола (ўқувчи)лар катталар (ўқитувчи ва ота-она)дан алоҳида эътибор ва ғамхўрликни талаб қилади. Шунини алоҳида таъкидлашимиз керакки, фан ўқитувчиси дарс ва синфдан ташқари машғулотлар давомида ҳар бир ўқувчига етарлича эътибор бера олмайди (имконияти чекланган бола (ўқувчи)га ҳам соғлом ўқувчига ҳам). Инклюзив таълимда ўқитувчи имконияти чекланган ёки соғлом бола (ўқувчи)ларга кўп эътибор қаратиши ва улар билан синфда дарс давомида кўпроқ мулоқот қилиш, ҳамда алоҳида эътибор қаратиши синф ички муҳитини бузилишига сабаб бўлиб, дискриминацион омил устуворлигини ҳар икки тоифа болалар руҳиятида доминант бўлиб қолишига олиб келиши мумкин.

Инклюзив мактабда жорий этилган фанлар кесимида репетитор ёрдами ота-оналар учун - ўз фарзандини тушунишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, уларни барча камчиликлари билан қабул қилишда, ҳамда хатти-ҳаракатларни (шахсий ва касбий қизиқишлари доирасида) мувофиқлаштиришда амалий ёрдам беради.

Инклюзив мактабларда имконияти чекланган бола (ўқувчи)лар учун репетиторлик фаолиятини жорий этиш хусусидаги ностандарт ёндашувимиз ўқитувчи ва репетитор ўқитувчи ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг уч йўналишда амалга оширилишини тақозо этади:

-Биринчидан:

- имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларни ўқитиш жараёнида ўзаро ҳамкорлик дастури асосида мувофиқлашган фаолиятни йўлга қўйилганлиги;
- репетитор имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларни дарсдан ташқари ва танаффус вақтида тушунчаларини индивидуал ўзлаштиришга йўналтириши;
- имконияти чекланган бола (ўқувчи)га ўтилган мавзу ва дарснинг вазифаси, ҳамда мақсадларини тушунишга қўшимча (ногиронлик даражасидан ва хусусиятидан келиб чиқиб образли ва визуал, ҳамда кучайтирилган эшитиш аппаратлари орқали, ва бошқа) амалий лойиҳалар билан кўмаклашиши;
- имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларни ўз фаолиятини назорат қилишга ва уни баҳолашга педагогик –психологик мотивацион дастурлар билан рағбатлантириб бориши.

-Иккинчидан:

- имконияти чекланган бола (ўқувчи)нинг социализацияси жараёнида зарурий педагогик-психологик ёрдамни кўрсатиш;
- имконияти чекланган бола (ўқувчи)га ўқув жараёнида синфдош ва фан ўқитувчилар, ҳамда таълим тизимида фаолият олиб бораётган бошқа шахслар билан алоқаларни ўрнатишида коммуникацион механизм дастурларини ногиронлик даражасидан ва хусусиятидан келиб чиқиб) уларга сингдириши;
- имконияти чекланган бола (ўқувчи)нинг индивидуал имкониятини юзага чиқариш ва қобилиятларини ривожлантириш.

-Учинчидан:

- имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларнинг ота-оналари билан ишлаш жараёнида ўзаро муносабатлар йўналишларини белгилаб олиш:

- имконияти чекланган бола (ўқувчи)га таълим дастурини ўзлаштириш ва ижтимоийлаштиришга ёрдам бериш жараёнида ўқитувчи ва ота-оналарнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш;

- инклюзив синфга дарс машғулотларини олиб борадиган малакаси ва тажрибаси кам ўқитувчиларга ўқув материални тақдим этиш усулини тушунтириш;

- имконияти чекланган бола (ўқувчи)лар уйга берилган дарс топшириқлари ва мустақил таълим билан боғлиқ машғулотларни ота-оналар билан биргаликдаги ишлаш юзасидан кўрсатмалар ишлаб чиқиш.

Шундай қилиб, инклюзив маконнинг хавфсизлиги умумий таълим мактабида зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, услубий база, психологик-педагогик ёрдам бўйича мутахассисларни мавжудлиги, шунингдек, мутахассисларнинг ота-оналар билан ўзаро муносабатларига асосланади.

Бунинг натижасида имконияти чекланган бола (ўқувчи) жамоада ўзини қулай ҳис қилади ва ижтимоийлашув муваффақиятли бўлади.

Инклюзив таълим шароитида бола (ўқувчи)нинг психологик хавфсизлиги ҳозирги вақтда муҳим аҳамият касб этиб, психологик-педагогик фанлар назарияси ва амалиёти учун ташқи шароитларни руҳий ривожланишига таъсири муаммоси кенг ўрганилмоқда. Бугунги кунда имконияти чекланган бола (ўқувчи)нинг ижобий ривожланишини таъминламасдан ва уни руҳий саломатлигини маълум даражада сақламасдан туриб ҳаётий позициясини таъминлаш мумкин эмас.

Психологик хавфсизлик таълим муҳитининг ривожланиш хусусиятини белгилайдиган етакчи хусусиятдир. У таълим ва тарбиянинг психологик-педагогик шароитларини лойиҳалаш ва моделлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин, шу билан бирга таълим жараёнининг барча иштирокчиларини психологик саломатлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга ёрдам беради.

И.А.Баевой таъкидлаганидек, таълим иштирокчилар томонидан психологик зўравонликдан ҳимояланиш, шахсий ишончли мулоқотда асосий эҳтиёжларни қондириш ҳолати сифатида бошдан кечириладиган психологик хавфсизлик, таълим жараёнининг барча субъектлари: болалар, ўқитувчилар, ота-оналарнинг ақлий ва касбий ривожланиши учун ижобий имкониятларни келтириб чиқарадиган шартдир[2].

Л.М.Шипицына нуқтаи назарича инклюзив таълим ўзининг асосий мақсади сифатида у ёки бу турдаги таълимдан тенг фойдаланишни таъминлаш ва барча болаларнинг индивидуал хусусиятларидан, олдинги таълим ютуқларидан, она тилидан қатъи назар, истисносиз ўқишда муваффақиятга эришиш учун зарур шарт-шароитларни яратишни белгилайди[4].

Бизнингча инклюзив таълимда "хавфсизлик" тушунчаси кўпроқ психологик тезауруснинг таркибий қисми сифатида қаралмоқда ва имконияти чекланган бола (ўқувчи)нинг психологик хавфсизлигини ўрганиш алоҳида мустақил илмий йўналиш ҳисобланади. Имконияти чекланган бола (ўқувчи)нинг психологик хавфсизлиги оғир ва экстремал шароитларда инсон руҳияти ресурсларини сафарбар қилиш билан боғлиқ ҳолда, хавфсизликка бўлган эҳтиёжни амалга ошириш, психологик яхлитлигини сақлаб қолиш, қониқиш ҳиссига эга бўлиш сифатида қаралади.

Шу нуктаи назардан психологик хавфсизликни таъминлаш муаммоси ушбу таълим моделининг педагогик вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш шартларидан бири сифатида инклюзив таълим доирасида алоҳида долзарбдир.

И.А.Баевой таъкидлаганидек, психологик хавфсизлик инсонни ички дунёсига эътибор беришни, унинг ақлий жараёнлари ва механизмларини, шахсий тузилмаларини оптималлаштиришни ўз ичига олади ва ижтимоий мослашувни таъминлайди[2].

Имконияти чекланган болалар учун жорий этилган инклюзив таълимнинг вазифалари бир нечта функционал омилларни ўзида мужассамлаштиргандир:

- турли хил бошланғич имкониятларга эга бўлган болалар учун ягона таълим муҳитини яратиш;
- соғлом тенгдошлари билан биргаликдаги фаолиятда психофизик ривожланишнинг алоҳида эҳтиёжлари бўлган болалар салоҳиятини ривожлантириш;
- диагностик-маслаҳат, коррекцион ривожланиш, профилактика, ижтимоий-ўзаро ҳамкорлиги орқали инклюзив таълим жараёнини самарали психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш.
- давлат таълим стандартига мувофиқ болаларнинг умумий таълим дастурларини ишлаб чиқиш;
- бузилган психологик жараён ва функцияларни, ҳиссий ва шахсий ривожланишдаги камчиликларни тузатиш;
- таълим жараёнининг барча босқичларида имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларнинг муаммоларига рационал муносабатни шакллантириш;
- имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларнинг жисмоний, невропсихик саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш;
- имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларни тарбиялаётган оилаларга, шу жумладан, ўқув жараёнига маслаҳат бериш.

Жамиятимизда шу кунга қадар инклюзив таълимга эҳтиёжи бўлган имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларни психологик хавфсизлигини таъминлаш мақсадида махсус мактаблар ва мактаб-интернатларда, уйда индивидуал ташкил этилиб келинган.

Бу таълимнинг бир қатор камчиликлари мавжуд бўлиб, имконияти чекланган бола (ўқувчи)лар тенгдошларидан, дўстларидан, жамиятдан ажратилган ҳолда ва мамлакатининг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиш имкониятидан маҳрум бўлади.

Бу борада илмий изланиш олиб борган тадқиқотчи Н.Н.Малофеев илмий мулоҳазаларига эътибор қаратиш аҳамиятлидир. Унинг нуктаи назарича имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларни тарбиялаш замонавий таълимнинг долзарб ва мунозарали муаммоларидан биридир. Ижтимоий тенгсизлик билан боғлиқ бўлган қўллаб-қувватлаш имконияти чекланган бола (ўқувчи)нинг сифатли таълим олишига тўсқинлик қилади[1]. Ушбу илмий мулоҳазадан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда жамиятимизда ташкил этилаётган инклюзив таълим замонавий педагогик тамойилларга тўлиқ мос келиши, ҳамма учун умумий дастур бўйича ўқиш имконияти ва қобилиятига эга бўлган нормал академик натижаларни кўрсатадиган имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларни тўлиқ ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаши зарур.

Инклюзив таълим бу умумий таълимни ривожлантириш жараёни бўлиб, у ҳамма учун, шу жумладан алоҳида эҳтиёжли болалар учун ҳам таълим олиш имкониятини назарда

тутади. Инклюзив таълим болаларга нисбатан ҳар қандай камситишни истисно қиладиган ва барча одамларга тенг муносабатда бўлишини таъминлайдиган, бироқ айни пайтда алоҳида таълимга муҳтож имконияти чекланган бола (ўқувчи) учун зарур шарт-шароитларни яратувчи мафкурага асосланади.

Биз томонимиздан илгари сурилаётган “тўсиқсиз муҳит” концепцияси ҳақидаги илмий фаразимиз айнан шунга қаратилган. “Тўсиқсиз муҳит” имконияти чекланган бола (ўқувчи)лар, ҳамда ота-она қарамоғисиз қолган, оғир ҳаётӣ вазиятда бўлган болаларнинг муваффақиятли ижтимоийлашувини таъминлаб, ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш, мотивация ва рағбат бериш орқали жамиятнинг барча соҳалари билан интеграциясини таъминлаб, фаол шахсга айлантиради.

Хулоса ўрнида мавзуга оид илмий манбалар таҳлилига асосланиб шуни айтишимиз мумкинки, бугунги кунда жамиятимизнинг аксарият мактаблар ва унда фаолият олиб бораётган ўқитувчилар анъанавий ўқитиш шакллари, тамойиллари ва усулларини ўзгартиришга тайёр эмас. Сабаби имконияти чекланган бола (ўқувчи)лар билан ишлаш педагогик-психологик коррекцияни тақозо этган ҳолда, махсус педагогик ва махсус психологик билим ва кўникмаларни ҳам талаб этади. Бу билим ва тажриба бугунги кунда аксарият умумтаълим мактаблари ўқитувчиларида йўқ. Шу нуқтаи назардан, педагогик ОТМларда инклюзив мактаб таълими талабларига жавоб берадиган мутахассис кадрларни тайёрлаш масаласи кун тартибига чиқиши лозим.

Бизнингча бу борада ўқитувчиларни махсус ва оммавий педагогларга сунъий равишда ажратмасдан, фанлараро касбий интеграцияни таъминлашга қаратилган мобил дастурларни жорий этган ҳолда замонавий ўқитиш моделини ОТМларга олиб кириш лозим. Бу жараён инклюзив таълим шароитида ўқитувчининг шахсий ва касбий салоҳиятини фаоллаштиришга замин бўлиб хизмат қиладди. Шунингдек, ўқитувчилар мактабдан ташқарида, шу жумладан ижтимоий қўллаб-қувватлаш манбалари ва ота-оналар билан ижтимоий алоқаларда фаол иштирок этиши намоён бўлади. Ўқитувчи шахсида шаклланган бу каби касбий позиция, инклюзив таълим жараёни билан боғлиқ кўрқув ва ташвишларни енгишга, касбий маҳоратнинг мутлақо янги даражасига кўтарилишига имкон беради.

Инклюзив таълим жараёнида имконияти чекланган ўқувчилар ҳаёт хавфсизлигини таъминлашнинг педагогик-психологик омиллари нуқтаи назаридан қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларни жамиятга ижтимоий интеграциялаштиришни асосини таъминлайдиган педагогик-психологик дастур ишлаб чиқиш, ҳамда бағрикенглик ва ўз-ўзини англаш, ўзаро ёрдам бериш хулқ-атвори умумжамият лойиҳасини амалиётга жорий этиш;

- имконияти чекланган бола (ўқувчи)лар ҳуқуқларини тартибга солувчи қонунчиликни кучайтириш, жамиятнинг улар олдидаги мажбуриятларини қонун билан аослантириш, ҳамда ўқув майдонини инклюзив таълим талаблари доирасида ташкил этиш ва имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларни эркин ҳаракати учун қулай муҳит яратиш;

- имконияти чекланган бола (ўқувчи)лар ва соғлом болалар учун мавжуд бўлган ўқув дастурлар ҳажми ва ўқитиш суръатларини дифференциал нуқтаи назардан педагогик-психологик таҳлилини амалга ошириш;

- имконияти чекланган бола (ўқувчи)лар ва соғлом болалар ўртасида соғлом коммуникация жараёнларини ижтимоий психологик факторларини ишлаб чиқиш.

Фойдалангилган адабиётлар рўйхати

1. Малофеев Н.Н. Почему интеграция в образовании закономерна и неизбежна // Альманах ИКП РАО - 2007. - № 11.
2. Обеспечение психологической безопасности в образовательном учреждении [Текст]: практическое руководство / под ред. И.А. Баевой. – СПб.: Речь, 2006. – 288с.
3. Кобилова, Ш. Х., Сафарова, Ф. А., & Ахророва, Г. У. (2022). Перспективные возможности внедрения инклюзивного образования в жизнь сообщества. *Ta'lim va rivojlanish tahlili onlayn ilmiy jurnali*, 2(10), 441-443.
4. Кобилова, Ш. Х., Икромова, Н. Ф., & Болиева, Н. Т. (2022). Инклюзивное образование и его эффективность в социально-педагогической. *Ta'lim va rivojlanish tahlili onlayn ilmiy jurnali*, 2(10), 438-440.
5. Усаров, Ж. Э., Кобилова, Ш. Х. (2022). Инклюзив таълим ва унинг ижтимоий-педагогик омиллари. *Халқаро тажрибалар ва ривожланиш истиқболлари*, 1(3), 275-277.
6. Кобилова, Ш. Х., Абдурахимова, Д. (2022). Инклюзив таълимни ташкил этишдаги имкониятлар ва мавжуд муаммолар. *Халқаро тажрибалар ва ривожланиш истиқболлари*, 1(3), 267-268.
7. Кобилова, Ш. Х., Бобохонова, М. (2022). Кўриш нуқсонига эга шахслар нутқи ва мулоқотининг нутқий бўлмаган воситаларини ривожлантириш усуллари. *Образование и наука в XXI веке*, 5(24), 579-581.
8. Қодирова, Ф. У., Кобилова, Ш. Х. (2021). Таълим кластери асосида инклюзив таълимга жалб этилган ўқувчилар ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш шарт-шароитлари. *Муаммо ва уларнинг ечимлари*, 2(2), 85-86.
9. Bahodirovna, M. I. (2022). The image of human and animals in the stories of normurad norkobilov. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 12(2), 243-245.
10. Ahmadaliyeva, M. S. (2022). Text and interpretation in discourse analysis. *Trends in Education Foreign Languages and International Economics*, 1(1), 382-386.
11. Усаров, Ж. Э., Эшнаэв, Н. Ж., Кобилова, Ш. Х. (2021). Педагогик инновацион таълим кластер лойиҳасини амалиётда қўллаш самарадорлиги ва истиқболлари. *Педагогик таълим кластери муаммо ва ечимлар*, 1(2), 305-313.
12. Қодирова, Ф. У., Кобилова, Ш. Х. (2021). Повышение качества инклюзивного образования в условиях педагогического инновационного кластера. *Педагогик таълим кластери*, 1(1), 109-115.
13. Усаров, Ж. Э., Кобилова, Ш. Х. (2021). Инклюзив таълимнинг назарий ва концептуал масалалари. *Фан таълим ва амалиёт интеграцияси*, 3(2), 37-45.
14. Усаров, Ж. Э., Кобилова, Ш. Х. (2021). Обеспечение безопасности жизни учеников с органиченными возможностями в процессе инклюзивного образования и его фактори. *Журнал научных и прикладных исследований*, 2(11), 19-21.